

Тошкент шаҳри

2022 йил "29" сентябрь

Кейинги ўринларда "ARX STROY TA'MIR" МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи Сагательян Н.К., бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси номидан низом асосида иш юритувчи Ф.Ташмухамедов, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

"Бажарувчи" ушбу Шартнома шартларига мувофиқ "Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров хайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати ишларини бажариш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" эса "Бажарувчи"га бажарилган ишларни қабул қилиш ва туловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;
- лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:
- камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;
- шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;
- ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун туловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

- буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тулов ва яқуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;
- агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 17 000 000 (ўн етти миллион) сўм, ҚҚС сиз ташкил этади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи 5 100 000 (беш миллион бир юз минг) сўм миқдоридан олдиндан туловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Ишлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади. Шартномани бажариш ишлари 20 иш кунини ташкил этади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисоб варақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган ишлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган ишлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, аммо жариманиннг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.2. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.3. Буюртмачи шартноманиннг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.4. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судида ҳал қилинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.4. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш кuni олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни коплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришидан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда куйидагилар тушунилади:

- бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;
- ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;
- амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;
- ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо

Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш кuni ичида юборилиши керак.

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қондаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шугулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган ноҳуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариши

доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9.Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Ўз.Р. Молия вазирлиги Газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

БАЖАРУВЧИ

ООО "ARX STROY TAMIR"
г.Ташкид, Мирзо-Улугбекский
р-н, 14-й пр Бухорой 30
р/с 40408000404360590001
в АТ "Амкобанк" г.о.о.о.
МФРД 00401 ОК 70 71110
ЦНН 300 077 687
Собиримен



БУЮРТМАЧИ

Ўзбекистон Бадий академияси
Тошкент шаҳар С.Азимова кўчаси 35
ЎР Молия вазирлиги газначилиги
х/р 23402000300100001010ХККМ
МБ БМФО:0014 ИНН:201122919
ИНН: 202184026 Оқонх: 97300
Л/с 100010860262877089300051002

Раис ўринбосари

Ф.Ташмухамедов



Коррупцияга қарши курашиш бўйича АСОСИЙ ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Тараф ХУкумат уйидан фойдаланиш бошқармаси ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

“1008” ишонч телефони;

Telegram-канали («@anticorbot»);

Адлия вазирлигининг расмий веб-сайтд аjoyлаштирилган шакл ёки электрон почта.

Изоҳ: Шартномадаги ушбу шартлар “ярим қора” шрифтда баён этилади.

Бажарувчи:

/



Буюртмачи:
Ўзбекистон Бадий академияси
Ф.Ташмухамедов /  /



**"Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров хайкалини бронзадан
яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича
лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати бўйича
ҲИСОБ-КИТОБИ**

Т/Р	Хизмат номи	Суммаси
1	Лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш	11 500 000
2	Барча бўлимлар бўйича техник шартларни олиш	800 000
3	Ўлчаш ишлари	2 482 609
	Жами:	14 782 609
	ҚҚС 15%	2 217 391
	ҲАММАСИ:	17 000 000

Мчж ООО "ARX STROY TA'MIR"

Директор



Сагателян Н.К.



№ 8358-975e-e676-548a-2930-3613-7553
Хужжат яратилинган сана: 2020-06-15
Ариза рақами: 19757910

Хужжат берилган: "ARX STROY TA'MIR" mas'uliyati
cheklangan jamiyati
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 300077687

Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун ЛИЦЕНЗИЯ

"ARX STROY TA'MIR" mas'uliyati cheklangan jamiyati ra ob'ektlarнинг мураккаблик тоифалари классификатори бўйича II тоифадаги об'ектлар учун қуйидаги: Тўлиқ комплексда лойиҳалаш бўйича фаслият турлари. А гуруҳи - Уй-жой-хўжалик қурилиши учун об'ектлар ва комплекслар лойиҳа-смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш. Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш учун ҳужжатлар. фаолият тур(-лар)и билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 15-06-2020 йил

Лицензия рақами: АЛ-000845

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 300077687

Юридик шахснинг почта манзили: Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani DURMON YO'LI KO'CHASI, 2-UY

Лицензия амал қилиш мuddати чекланмаган.

ТУРСУНОВ АСКАР ШЕРАЛИЕВИЧ

Маъмур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низога мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида кўрсатилган маълумотлар тўғрилигини текшириш учун ero.gov.uz веб-сайтга ўтинг ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини киритинг ёки мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъий таъқиқланган.

5126





СВИДЕТЕЛЬСТВО

О государственной регистрации юридического лица (субъекта предпринимательства)

Настоящим подтверждается, что в Единый государственный реестр субъектов предпринимательства внесена запись о создании:

Общество с ограниченной ответственностью "ARX STROY TA'MIR"

(Полное наименование юридического лица – субъекта предпринимательства с указанием организационно-правовой формы)

ООО "ARX STROY TA'MIR"

(Сокращенное наименование юридического лица)

12.12.2006

(Число, месяц, прописью), год)

За регистрационным номером

00159309

Идентификационный номер налогоплательщика (ИНН):

300077687

Организационно-правовая форма:

Общество с ограниченной ответственностью

Местонахождение:

город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, Do'gmon yo'li ko'chasi, 2-uy,

Свидетельство выдано:

город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ЦЕНТР
ГОСУДАРСТВЕННЫХ УСЛУГ

(Полное наименование регистрирующего органа)



Ўзбекистон Бадий академияси танлов йнгилишининг
10-сон
БАЁННОМАСИ

Тошкент шаҳри

29 сентябрь 2022 йил

ҚАТНАШДИЛАР:

Ф.Ташмухамедов - Комиссия раиси

Комиссия аъзолари:

И.Юлдашев - Ижодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва бадий лойиҳалар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси

Ў.Ахтамов - Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош ҳисобчиси

А.Абдуғаниев - Молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бош мутахассиси

К.Норинов - Бадий академия хўжалик мудир

Комиссия котиби:

Н.Мирзаева - Ижодий фаолиятни мувофиқлаштириш ва бадий лойиҳалар билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси

КУН ТАРТИБИ:

"Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати" ишлари хизматини муҳокама учун жойлаштириш
(Ташмухамедов, Юлдашев, Ахтамов, Абдуғаниев, Норинов, Мирзаева)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида" 2022 йил 28 январдаги 60-сон Фармони иловаси билан тасдиқланган давлат дастурининг 274-бандида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 августдаги 81-сон Баёнида Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини яратиш ва ўрнатиш ҳамда ҳайкални яратиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тоншириғи берилган.

"Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати" ишлари хизмати юзасидан Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ "etender.uzex.uz" электрон платформасида 2022 йилнинг 16 сентябрда 22110012151769 - сонли лот билан энг яхши таклифни танлаш учун 2022 йил 23 сентябрига қадар эълон жойлаштирилди.

2022 йилнинг 23 сентябрига қадар "BOYQOZON PLYUS KLASS" МЧЖ, "ARX STROY TA'MIR" МЧЖ ҳамда "ERD PROJECT" МЧЖлар томонидан юкорида кўрсатилган хизматни бажариш учун тижорат таклифлари берилди. Комиссия аъзолари ташкилотлардан келган электрон ҳужжатлар билан танишишди.

Хусусан, танлов бўйича талабгор иштирокчилар томонидан таклиф этилган нархлар Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида" ги Қонуннинг 56-моддаси билан "Энг яхши таклифларни танлашни ўтказиш мезонлари" қодалари билан белгиланган тартиб-таомилга асосан тақдим этилган таклифлар қуйидаги тартибда устунликка эга эканлиги маълумот учун қабул қилинди.

Таклифларни баҳолаш учун қуйидаги критериялардан фойдаланиш белгиланди: Корхонанинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар **20,0 балл**; Ишчи кучи ва иш тажрибаси, тажрибали ва малакали кадрларнинг мавжудлиги **20,0 балл**; Корхона тўғрисида умумий маълумотлар **20,0 балл**; Таклиф қилинаётган иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида

маълумотлар **20,0 балл**; Таклифнинг энг паст нархи **20,0 балл**; Максимал балл этиб **100,0 балл** белгиланди.

Танловнинг тижорат қисми ўрганилганда “etender.uzex.uz” электрон платформасида 2022 йилнинг 26 сентябрдаги харид комиссияси баённомасида қуйидаги таклифлар аниқланди:

№	Корхоналар номи	Бажариладиган иш (хизмат) номи	Умумий нархи
1.	"BOYQOZON PLYUS KLASS" МЧЖ	"Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати"	20 500 000 ҚҚС билан
2.	"ARX STROY TA'MIR" МЧЖ		17 000 000 ҚҚС билан
3.	"ERD PROJECT" МЧЖ		18 000 000 ҚҚС билан

Шу муносабат билан танлов бўйича иштирокчилар томонидан тақдим этилган иш ва хизматлар таклифи энг яхши шартлар танлов иштирокчиларининг таклифларини мақбул кетма-кетлигидан келиб чиққан ҳолда, шунингдек “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 51-моддасига мувофиқ комиссия қуйидаги натижаларни аниқлади:

№	Таклиф этилган ташкилот номи	Ишчи кучи ва иш тажрибаси, тажрибали ва малакали кадрларнинг мавжудлиги	Таклиф қилинаётган иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида маълумотлар	Ташкилот тўғрисида умумий маълумотлар	Корхонанинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар	Таклифнинг энг паст нархи	Макс. балл
1.	"BOYQOZON PLYUS KLASS" МЧЖ	18,0	18,0	20,0	20,0	16,58	92,58
2.	"ARX STROY TA'MIR" МЧЖ	20,0	20,0	20,0	20,0	20,0	100
3.	"ERD PROJECT" МЧЖ	20,0	15,0	15,0	18,0	18,08	86,88

“etender.uzex.uz” электрон платформасида 2022 йилнинг 26 сентябрдаги харид комиссияси баённомаси 2022 йилнинг 29 сентябрга қадар муҳокамага қўйилди. 2022 йилнинг 29 сентябрга қадар ҳеч қандай таклиф ва эътирозлар келиб тушмади.

"ARX STROY TA'MIR" МЧЖ томонидан танлов бўйича талаб этилган товарлар (иш ва хизматлар) баҳолаш мезонларининг бошқа омиллари, шунингдек тавсифнома ва сифат кўрсаткичлари ҳамда бюджет маблағлардан тежамли ва самарали фойдаланиш тартибига жавоб беришини инобатга олган ҳолда, мазкур иштирокчи энг мақбул таклиф тақдим этган иштирокчи деб топилди. Билдирилган фикр-мулоҳазаларни эътиборга олган ҳолда

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. "Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати" ишлари хизмати юзасидан ўтказилган йиғилиш якуни бўйича "ARX STROY TA'MIR" МЧЖ билан шартнома имзолансин.

2. Ўзбекистон Бадиий академияси бош бухгалтери (Ў.Ахтамов) юқорида таъкидланган хизматни амалга ошириш учун тўловларни Ўзбекистон Бадиий академиясининг мазкур хизматлар, ишлар учун ажратилган маблағлар доирасида амалга оширсин.

Келишилди:

И.Юлдашев

У.Ахтамов

А.Абдуганиев

К.Норинов

Handwritten signatures in blue ink over horizontal lines. The signatures are written in a cursive style. The first signature is the most prominent and overlaps the others. The second signature is partially obscured by the first. The third signature is also partially obscured. The fourth signature is the most legible and appears to be 'K. Norinov'.

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 151769 на приобретение "Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати

Способ проведения электронный

Дата 26.09.2022

Время рассмотрения 26.09.2022 18:04

Закупочная комиссия Академия Художеств Узбекистана, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	TASHMUXAMEDOV FARXOD EMINOVICH	Раис ўринбосари	2
Секретарь комиссии	MIRZAYEVA NABIRA RUSTAMOVNA	Бош мутахассис	2
Член комиссии	NORINOV KAMOL XOLMO'MIN O'G'LI	Хўжалик мудир	ЎзБА
Член комиссии	ABDUG'ANIYEV ALISHER JUMON O'G'LI	Бош мутахассис	ЎзБА
Член комиссии	AXTAMOV UTKIR UKTAMOVICH	Бош хисобчи	ЎзБА
Член комиссии	YULDASHEV IZZATJON RAXIMJANOVICH	Бош мутахассис	2

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.09.2022 года № лота 151769.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.техничко-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуга по разработке проектно-сметных работ
Подробное описание	"Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета хужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	25 000 000.00
Стартовая сумма	25 000 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Трудовые ресурсы и опыт работы. Обеспеченность опытным и квалифицированным персоналом

Тип: Текстовое значение

Описание: Оценка проводится на основании информации, предоставленной в отборном предложении (предоставление документов, подтверждающих фактическое наличие указанных сотрудников, стаж их работы, Сертификат глав. архитектора проекта и квалификацию, инфор. об опыте работ). Участник должен предоставить следующие информации: 1. список, стаж и занимаемая должность сотрудников (приклепается информация с сайта <https://my.mehnaq.uz/> из личного кабинета участника- разделы: 1."Сведения о работниках" и 2.«Архив трудовых договоров» 2. Информация об специализации сотрудников 3. Информация об образовании сотрудников

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "ARX STROY TA'MIR"	20	6	20	Экспертная		
МЧҲ "BOYQOZON PLYUS KLASS"	20	1	18	Экспертная		
ERD PROJECT MCHJ	20	20	20	Экспертная		

Критерий №2 Корхонанинг қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўқлиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "ARX STROY TA'MIR"	20	1	20	Экспертная		
МЧҲ "BOYQOZON PLYUS KLASS"	20	1	20	Экспертная		
ERD PROJECT MCHJ	20	20	18	Экспертная		

Критерий №3 Корхона тўғрисида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхона тўғрисида умумий маълумотлар

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "ARX STROY TA'MIR"	20	1	20	Экспертная		
МЧҲ "BOYQOZON PLYUS KLASS"	20	1	20	Экспертная		
ERD PROJECT MCHJ	20	20	15	Экспертная		

Критерий №4 Таклиф қилинаётган иш бўйича корхона тажрибаси тўғрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Имзоланган шартномалар Бажарилган ишлар тўғрисида далолатномалар Бажарилган ишлардан намуналар, Шартнома, акт, фото сурат

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "ARX STROY TA'MIR"	20	5	20	Экспертная		
МЧҲ "BOYQOZON PLYUS KLASS"	20	1	18	Экспертная		
ERD PROJECT MCHJ	20	20	15	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
МЧЎ "BOYQOZON PLYUS KLASS"	25 000 000.00	20 500 000.00 UZS	20 500 000.00	00.00	20 500 000.00	21.09.2022 10:15:57	16.58537
ООО "ARX STROY TA'MIR"	25 000 000.00	17 000 000.00 UZS	17 000 000.00	00.00	17 000 000.00	20.09.2022 15:15:33	20
ERD PROJECT MCHJ	25 000 000.00	18 000 000.00 UZS	18 000 000.00	00.00	18 000 000.00	23.09.2022 11:38:40	18.88889

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
МЧЎ "BOYQOZON PLYUS KLASS"	76	16.58537	92.58537
ООО "ARX STROY TA'MIR"	80	20	100
ERD PROJECT MCHJ	68	18.88889	86.88889

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 151769 от 26.09.2022 года на приобретение "Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини бронзадан яратиш ҳамда белгиланган манзилга ўрнатиш (до 2 нв) ишлари" бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ва муаллифлик назорати определила победителем:

ООО "ARX STROY TA'MIR"
300077687

и резервный исполнитель: МЧЎ "BOYQOZON PLYUS KLASS" (302534773)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	TASHMUXAMEDOV FARXOD EMINOVICH	Согласен	
Член комиссии	NORINOV KAMOL XOLMO'MIN O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	ABDUG'ANIYEV ALISHER JUMON O'G'LI	Согласен	
Член комиссии	AXTAMOV UTKIR UKTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	YULDASHEV IZZATJON RAXIMJANOVICH	Согласен	


Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

№31-31/1-18-13

30.08.2022 й.

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари –
туризм ва маданий мерос вазири



2022 йили “30” август

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси йигилиши
БАЁНИ 81 -сон

2022 йил “30” август

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

А.А. Абдухакимов – Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари – туризм ва
маданий мерос вазири

Иштирок этганлар:

вазирлик ва идоралар раҳбарлари (рўйхат
асосида)

КУН ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида”
2022 йил 28 январдаги 60-сон Фармони иловаси билан тасдиқланган
давлат дастурининг 274-банди ижросини таъминлаш тўғрисида

(Абдухакимов, Артикхўжаев, Нуридинов, Назарбеков, ..., Абдухакимов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил
28 январдаги 60-сон Фармони 2-илоvasи билан тасдиқланган
“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт
стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга
оширишга оид давлат дастури”нинг 274-бандига мувофиқ атоқли Ўзбекистон
халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда
улар хотирасини абадийлаштириш, ушбу тадбирларни юқори савияда ташкил
этиш билан боғлиқ ташкилий масалалар муҳокама қилиниб, мажлис **қарор**
қилади:

1. Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуридиновнинг
Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги
ҳамда Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги муносиб нишонлаш
борасида амалга оширилган ишлари, шу жумладан Чингиз Ахмаров хайкалини
яратиш бўйича ижодий танлов ўтказилганлиги тўғрисидаги ахбороти
маълумот учун қабул қилинсин.

2. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш юбилей тадбирларнинг ўтказиш бўйича Чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тадиқлансин.

3. Ўзбекистон Бадий академиясининг:

а) Чингиз Ахмаров ҳайкалини Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шароф Рашидов кўчаси 40-уйда жойлашган Бадий кўрғазмалар дирекциясида ўрнатиш;

б) ҳайкал постаментини тайёрлаш, ҳайкални яратиш, ўрнатиш ҳамда атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини бажариш бўйича:

Ўзбекистон Бадий академияси – буюртмачи этиб;

бош лойиҳачи, пудратчи этиб – танлов савдолари орқали аниқланадиган бош лойиҳачи ва пудрат ташкилотларини белгилаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. Молия вазирлиги Чингиз Ахмаров ҳайкалини яратиш ва ўрнатиш билан боғлиқ барча харажатларни 2022 йилда ушбу мақсадлар учун Ўзбекистон Бадий академиясига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиши белгилансин.

5. **Бадий академия** (Нуридинов) Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган ижодий кўрғазма ва илмий-амалий конференциялар ўтказсин.

6. **Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси** (Хаджаев), **Бадий академия** (Нуридинов) Атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Ахмаров ҳамда Зинаида Ковалевскаянинг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган барча тадбирларни кенг ёритиш, махсус видеороликлар тайёрлаш, эфирга узатиб бориш вазифаси тавсия қилинсин.

7. **Бадий академия** (Нуридинов), **Халқ таълим вазирлиги** (Саидов) Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Ахмаров ҳамда Зинаида Ковалевскаянинг ижодини ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ижоднинг тилсими” мавзусида расмлар танлови ўтказилсин.

8. **“Тасвирий ойна” уюшмаси** (Латипов) Ўзбекистон Бадий академияси томонидан тақдим этилган дизайн асосида босма маҳсулотларни (баннер, сертификат) хомийлик тарзда нашр этсин.

9. Мазкур мажлис баёнининг ижросини назорат қилиш Туризм, маданият ва оммавий коммуникациялар масалалари қотибияти ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуридинов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “___” августдаги ___-сон баёнига
илова

**Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш юбилей тадбирларининг ўтказиш бўйича
ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ**

Т/р	Чора-тадбир номи	Амалга ошириш механизми	Амалга ошириш муддати	Моиялаштириш манбаи	Масъул ижрочилар
1.	Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров ҳайкалини яратиш	1. Ҳайкалнинг ижодий ва техник параметрларини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Бадий академияси Эксперт кенгашида тасдиқлансин 2. Ҳайкални яратиш бўйича лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш. 3. Ҳайкални белгиланган эскизларга мувофиқ яратиш.	2022 йил ноябрь	Бадий академияга ажратилган маблағлар ҳисобидан	Бадий академия (Нуридинов), Молия вазирлиги (Ишметов)
2.	Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган ижодий кўргазма ташкил этиш, амалга оширилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига ахборот қиритиш.	1. Кўргазма учун ижодий асарларни йиғиш. 2. Кўргазмани ўтказиш.	2022 йил октябрь	Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан	Бадий академия (Нуридинов), манфаатдор вазирлик ва идоралар

3.	Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштиришга қаратилган конференция ташкил этиш.	<p>1. Конференция ўтказиш учун ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан конференция концепциясини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Конференцияга қизиқиш билдирган талаба ва ўқувчиларни ихтиёрий тарзда дарсдан бўш вақтларда Конференцияга ташрифини уюштириш.</p> <p>4. Ишлаб чиқилган концепция асосида конференция ўтказиш.</p>	2022 йил октябрь	Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан	Бадий академия (Нуридинов), манфаатдор вазирлик ва идоралар
4.	Ўзбекистон халқ рассомлари Чингиз Ахмаров ҳамда Зинаида Ковалевскаянинг ижодини ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида “Ижоднинг тилсими” мавзусида расмлар танловини ўтказиш.	<p>1. “Ижоднинг тилсими” расмлар танловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳ томонидан танловнинг Низомини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.</p> <p>3. Тасдиқланган Низом асосан ўтказиладиган танловни ўқувчиларига эълон қилиш.</p> <p>4. Танловни ўтказиш.</p> <p>5. Танлов якунида ғолибларни ҳомийлар томонидан муносиб тақдирлаш.</p>	2022 йил ноябрь	Ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан таққикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан	Бадий академия (Нуридинов), Халқ таълим вазирлиги (Саидов), манфаатдор вазирлик ва идоралар



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2022 yil « 28 » январь

№ ПФ-60

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида

Мамлакатимизни 2017–2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган **300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди.

Миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида ташқи савдо, солиқ ва молия сиёсатини либераллаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва хусусий мулк дахлсизлигини кафолатлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни ташкил этиш ҳамда ҳудудларни жадал ривожлантиришни таъминлаш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди.

Фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва камбағалликни қисқартириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланиб, аҳолини янги иш ўринлари ва кафолатли даромад манбаи, малакали тиббий ва таълим хизматлари, муносиб яшаш шароитлари билан таъминлаш сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Сўнги беш йиллик ислохотларнинг натижасида мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асослари яратилди.

**2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини
“Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” да амалга оширишга оид
ДАВЛАТ ДАСТУРИ**

Т/р	Устувор йўналишлар, мақсадлар ва вазифалар	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш шакли	Муддати	Амалга ошириш харажатлари (молиялаш- тириш манбалари)	Назорат қилувчилар	Масъул ижрочилар
<p align="center">I. ИНСОН ҚАДРИНИ ЮКСАЛТИРИШ ВА ЭРКИН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ ХАЛҚПАРВАР ДАВЛАТ БАРПО ЭТИШ (Масъуллар – Т.Нарбаева ва Н.Исмоилов)</p>							
<p align="center">1-мақсад. Маҳалла институти фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўғинига айлантириш</p>							
1.	<p>Худудларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишда маҳаллаларнинг ваколатларини кенгайтириш.</p>	<p>1. Маҳаллалар томонидан ҳал қилинадиган ижтимоий-иқтисодий масалаларнинг рўйхатини тузиш амалиётини йўлга қўйиш. 2. Маҳалланинг молиявий имкониятларини кенгайтириш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси</p>	<p>2022 йил июнь</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев</p>	<p>Молия вазирлиги Т.Ишметов, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Р.Маматов, Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов</p>
2.	<p>Маҳалладан туриб барча давлат органларига мурожаат қилиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан мулоқот қилиш тизимини яратиш.</p>	<p>1. Аҳолининг давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилиш ҳамда уларнинг раҳбарлари билан видеоалоқа орқали мулоқотни босқичма-босқич ташкил этиш.</p>	<p>Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари</p>	<p>2022 йил сентябрь</p>	<p>Ҳисоб-китобларга асосан</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари О.Салиев, Ўзбекистон Республикаси</p>	<p>Вазирлар Маҳкамаси, Ахборот технологиялари вазирлиги Ш.Шерматов, Маҳалла ва оилани қўллаб-</p>

	томонидан қўшимча қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.	<p>2. Соҳага оид материалларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича танловлар, грантлар ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>3. Оммавий ахборот воситалари, журналистлар ва блогерларни пресс-турларда иштирок этиш, уларга бериладиган ижтимоий буюртмаларни қоплаш тартибини белгилаш.</p>				Бош вазир ўринбосари А.Абдухаки-мов	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов
273.	Хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида дўстлик жамиятлари фаолиятини такомиллаштириш.	<p>1. Дўстлик жамиятларидаги мавжуд вакант раис лавозимларига малакали мутахассислар номзодини таклиф этиш.</p> <p>2. Дўстлик жамиятларига улар раисларининг асосий иш жойи жойлашган бинода беғараз асосда хизмат хоналарини бериш ва барча зарур шарт-шароитлар билан таъминлаш.</p> <p>3. Дўстлик жамиятларини молиялаштиришнинг доимий манбаини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан тақдим этиладиган субсидияни аниқлаш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси	2022 йил апрель	Ҳисоб-китобларга кўра	Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Ш.Миноваров , Бош вазир ўринбосари А.Абдухаки-мов	Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси Р.Курбанов
75-мақсад: Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш							
274.	Атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш.	<p>1. Қуйидаги атоқли Ўзбекистон халқ рассомларининг таваллудларини муносиб нишонлаш: Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги; Зинаида Ковалевская таваллудининг 120 йиллиги;</p> <p>2. Атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари яшаб ва ижод қилган уйларига ёдгорлик</p>	Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёнлари	2022 йил август 2022 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдухаки-мов	Бадиий академия А.Нуридинов , тегишли вазирлик ва идоралар

		<p>лавҳаларини ўрнатиш.</p> <p>3. Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Ахмаров таваллудининг 110 йиллиги муносабати билан ҳайкал ўрнатиш.</p> <p>4. Ижодий кўргазма ва илмий-амалий конференциялар ўтказиш.</p>					
275.	Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш.	<p>1. Қўйидаги халқаро санъат тадбирларини ташкил этиш: Замонавий санъат биеннаlesi; “Тошкент қувончлари” халқаро болалар расмлари биеннаlesi; “Тасвирий ва амалий санъат” фестивали</p> <p>2. Ушбу халқаро санъат тадбирларининг ҳар бирига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.</p>	Вазирлар Маҳкамаси мажлиси баёнлари	2022 йил декабрь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Бадий академия А.Нүридинов , тегишли вазирлик ва идоралар
276.	Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.	<p>1. Бадий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлари белгилаш.</p> <p>2. Соҳа бўйича бадий ва илмий салоҳиятни кучайтириш, болалар санъатини ривожлантириш.</p> <p>3. Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижодий имкониятларини янада кенгайтириш.</p> <p>4. Бадий таълим сифатини ошириш ва бу борадаги вазифаларни амалга оширишнинг замонавий, таъсирчан усул ва шакллари тизимли асосда ривожлантириб бориш.</p> <p>5. Жаҳон тасвирий ва амалий санъати тараққиётига ҳисса қўшган, соҳа бўйича халқаро ҳамкорликни йўлга қўйган малакали номзодларни фахрий хорижий аъзолигига тавсия этиш.</p>	Ўзбекистон Республикаси Президент и қарори лойиҳаси	2022 йил июнь	Давлат бюджети маблағлари	Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов	Бадий академия А.Нүридинов , тегишли вазирлик ва идоралар

Yuridik shaxs to'g'risida ma'lumot (Ro'yxatdan o'tkazuvchi va vakolatli organlar ma'lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma'lumot

INN:	300077687
Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ:	Tuman (shahar) hokimiyati
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan sana:	12.12.2006
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan raqami:	1593-09
Yuridik shaxsning nomi:	"ARX STROY TA`MIR" mas`uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - <u>Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat</u>
IFUT kodi (Amalga oshirilayotgan faoliyat tur(lar)i):	71110 - <u>Me'morchilik sohasidagi faoliyat</u>
DBIBT kodi:	79994 - <u>Davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari</u>
Kichik tadbirkorlik sub`ektlariga mansubligi:	Ha
Faollik holati:	faoliyat ko'rsatayotgan
Ustav fondi:	20 900 000,000 UZS

Ta'asischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma'lumotlar

1. ORIPOV BAXTIYOR XAMDAMBOYEVICH	100,00 %
-----------------------------------	----------

Kontakt ma'lumotlari

Elektron pochta manzili:	venera60ab@mail.ru
Aloqa telefoni:	998451525
MHOBT kodi:	1726269 - <u>Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani</u>
Ko'cha, uy, xonadon:	DO`RMON YO`LI KO`CHASI, 2-UY

Boshqaruvchi haqida ma'lumot

Rahbarning F.I.SH.:	SAGATELYAN NATALYA KAMOYEVNA
---------------------	------------------------------

Yuridik shaxs to'g'risida ma'lumot (Ro'yxatdan o'tkazuvchi va vakolatli organlar ma'lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma'lumot

INN:	304401834
Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ:	Tuman (shahar) hokimiyati
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan sana:	01.11.2016
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan raqami:	009566-11
Yuridik shaxsning nomi:	"ERD PROJECT" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - <u>Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat</u>
IFUT kodi (Amalga oshirilayotgan faoliyat tur(lar)i):	71110 - <u>Me'morchilik sohasidagi faoliyat</u>
DBIBT kodi:	79994 - <u>Davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari</u>
Kichik tadbirkorlik sub'ektlariga mansubligi:	Ha
Faollik holati:	Faoliyat ko'rsatayotgan
Ustav fondi:	6 000 000,000 UZS

Ta'asischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma'lumotlar

1. Elamonov Ramozon Do'stmurodovich	100,00 %
-------------------------------------	----------

Kontakt ma'lumotlari

Elektron pochta manzili:	
Aloqa telefoni:	909048893
MHOBT kodi:	1726287 - <u>Toshkent shahri, Yakkasaroy tumani</u>
Ko'cha, uy, xonadon:	Sh.Rustaveli ko'chasi, 100-uy

Boshqaruvchi haqida ma'lumot

Rahbarning F.I.SH.:	ELAMONOV RAMOZON DO'STMURODOVICH
---------------------	----------------------------------

Yuridik shaxs to'g'risida ma'lumot (Ro'yxatdan o'tkazuvchi va vakolatli organlar ma'lumoti asosida shakllantirildi)

Umumiy ma'lumot

INN:	302534773
Ro'yxatdan o'tkazuvchi organ:	Tuman (shahar) hokimiyati
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan sana:	12.03.2013
Davlat ro'yxatidan o'tkazilgan raqami:	5009
Yuridik shaxsning nomi:	"SERVICE CONSTRUCTION CO" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Tashkiliy-huquqiy shakli:	152 - <u>Mas'uliyati cheklangan yoki qo'shimcha mas'uliyatli jamiyat</u>
IFUT kodi (Amalga oshirilayotgan faoliyat tur(lar)i):	41202 - <u>Yashash uchun mo'ljallanmagan binolar qurish</u>
DBIBT kodi:	79994 - <u>Davlat va xo'jalik boshqaruvi organlari tarkibiga kirmagan tadbirkorlik sub'yektlari</u>
Kichik tadbirkorlik sub'ektlariga mansubligi:	Ha
Faollik holati:	Faoliyat ko'rsatayotgan
Ustav fondi:	460 830 000,000 UZS

Ta'asischilar va ularning ustav fondidagi ulushi haqida ma'lumotlar

1. JUMANOV ELDORJON ESHTEMIROVICH	100,00 %
-----------------------------------	----------

Kontakt ma'lumotlari

Elektron pochta manzili:	muhammad@umail.uz
Aloqa telefoni:	944004979, 983099843
MHOBT kodi:	1727249830 - <u>Toshkent viloyati, Parkent tumani, Parkent QFY</u>
Ko'cha, uy, xonadon:	Boyqozon qo'rg'oni, Tinchlik ko'chasi

Boshqaruvchi haqida ma'lumot

Rahbarning F.I.SH.:	JUMANOV ELDORJON ESHTEMIROVICH
---------------------	--------------------------------